

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
ТАШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**«МАТЕМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ
«ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»
ФАНИДАН**

КУРС ИШИ

МАВЗУ: ЯГОНА ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ

Бажарди: 1.29 гуруҳ талабаси Эшонқулов Ж

Текширди: доц.Н.Х.Норалиев

Тошкент– 2015

Р Е Ж А :

Кириш

1. Ягона порталнинг ҳуқуқий асослари

2. Интерактив хизмат қулайликлари

3. Интерактив хизматдан фойдаланиш

4. Порталдаги муаммолар ва камчиликлар

5. Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўхати

Кириш

My.gov.uz – Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) 2013 йилнинг 1 июль куни ишга туширилган бўлиб, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида, шу жумладан «бир дарча» режимида фаолият кўрсатади.

Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

Ягона порталга 3216 та мурожаат келиб тушганлиги қайд этилганди. Ягона порталнинг ўзида берилган маълумотга кўра, мурожаатларнинг 54,1% – аризалар, 23,8% – таклифлар ва 22,1% – шикоятлардир.



Келиб тушган барча мурожаатларнинг 2262 тасига, яъни 70% ига жавоб берилган, 954 таси (30%) ҳозирда қайта ишлаш жараёнида.

1.ЯГОНА ПОРТАЛНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ягона портал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сон қарори асосида ташкил этилган ҳамда мазкур Қарор билан қабул қилинган Низомга кўра фаолият юритади.

Аслида интернет тармоғида ҳукумат порталини яратиш гоёси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда анча олдин пайдо бўлган эди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 259-сон қарорини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Умуман олганда мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини тузиб чиқишга ҳаракат қилдим ва уларни Сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этаман:

1. 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
2. 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Президент Фармони
3. 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори
4. 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси Қарори

5. 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси Қарори

6. 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси Қарори

2.ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Ягона портал орқали бугунги кунда фуқароларга 91 та интерактив хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг тўққизтаси автоматлашган, йигирма еттитаси ярим автоматлашган, ўттиз саккизтаси ахборот хизматлари, тўрттаси оффлайн усулда кўрсатиладиган, ўн учтаси эса ҳаволавий хизматлардир.




Ягона портал орқали кўрсатиладиган барча хизматлар

Шунингдек, Ягона портал орқали 120 дан ортиқ давлат органларига бевосита электрон тарзда мурожаат қилиш имконияти яратилган. Ва бу органлар рўйхати вақт ўтиши билан кенгайиб бормоқда. Хусусан, яқиндагина

Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилиш имконияти яратилганлиги ҳақида хабар беришганди.

Барча ташкилотлар рўйхати

Ягона портал орқали кўплаб фойдали ва зарур маълумотлар ҳам бериб борилади. Масалан, мазкур порталдан нотариал ҳаракатларнинг турлари ва бундай ҳаракатларга тўланадиган давлат божлари (1), Ички ишлар органларининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликлар ва улар учун қўйиладиган жарималар миқдори (2), Йўл ҳаракати қондаси бузилиши юзасидан белгиланадиган жарималар миқдори (3), Давлат ўрмон фондидан ташқари, дарахтлар ва буталарни кесиш учун тўланадиган тўловлар миқдори ва яшил ўсимликларга етказилган зарар ва уларни ўзбошимчалик билан кесганлик учун жарима миқдорлари (4) билан танишишингиз мумкин.



Йўл қондаси бузилгандаги жарималар миқдори ҳақида маълумот

Бундан ташқари порталдан ишонч телефонлари бўлими ҳам жой олган бўлиб, унда 20 та ишонч телефони кўрсатиб ўтилган.

Barcha xizmatlar	Barcha tashkilotlar	Ishonch telefonlari	
 101	Yong'in xavfsizligi xizmati	 102	Militsiya
 103	Tez yordam	 104	Gaz xizmati
 1050	qutqaruv xizmati	 1002	"DORI DARGON" AK (dorixonalar bo'yicha ma'lumot)
 1007	Bosh prokuratura ishonch telefoni	 1008	Adliya vazirligi ishonch telefoni
 1054	"Suvsoz" DUK (avariya xizmati)	 1055	Toshkent shahri kommunal xizmatlari bo'yicha dispatcherlik xizmati
 1056	Kommunal-sozlash avariya tiklash xizmatlarining Markaziy dispatcherlik xizmati	 1062	Taksi chaqirish
 1064	TShTT ma'lumot berish xizmati (Shahrlar kodlari)	 1065	«UZDIGITAL TV»
 1068	ShTS (to'g'ri similar ta'mirlash buyurosi)	 1069	Dorixonalar bo'yicha ma'lumot
 1086	Shahar telefonlarni ta'mirlash bo'yicha buyurtmani qabul qilish	 1089	Avia va temir yo'llari chiptalari bo'yicha ma'lumot berish xizmati
 1004	Aniq vaqt haqida ma'lumot berish xizmati	 1001	Ob-havo ma'lumoti

Русский | O'zbekcha

Foydalanuvchi kabinet | Chiqish



Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali beta

☐ Xizmatlar bo'yicha ☐ Tashkilotlar bo'yicha



Davat tashkilotiga murojaat yuborish



Aloqa markazi:
(8 800) 200-18-18

Davlat yo'l harakati xavfsizligi organlari tomonidan yo'l qoidasi buzilishi yuzasidan belgilanadigan jarima miqdori bo'yicha ma'lumot

O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi Kodeksi moddalari	Huquqbuzarlik turi	Eng kam ish haqining miqdorida jarima qiymati	Transport vositasini boshqarish huquqidan mahrum qilish muddati	Jarima miqdori
125-modda. Transport vositalaridan foydalanish qoidalarini buzish				
125-modda 1-qism	Haydovchilarning transport vositalarini boshqarish va yo'lovchilar tashishda xavfsizlik kamaridan foydalanish qoidalariga, xuddi shuningdek mototsikli haydovchilarning motoshlemlardan foydalanish qoidalariga rioya etmasligi	eng kam ish haqining beshdan bir qismi miqdorida		18 306 so'm
125-modda 2-qism	Haydovchilarning belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tkazilmagan yoki majburiy texnik ko'rikdan o'tkazilmagan yohud foydalanish man etiladigan darajada nosozligi bo'lgan, xuddi shuningdek ishlayotganida tashqariga chiqarayotgan ifloslantiruvchi moddalarning miqdori, shuningdek shovqin darajasi belgilangan normalardan ortiq bo'lgan transport vositalarini boshqarishi	eng kam ish haqining ikkidan bir qismi miqdorida		45 765 so'm
125-modda 3-qism	Haydovchilarning tormoz tizimida, nul boshqaruvida yoki ulovchi qurilmada nosozligi bo'lgan yohud tegishli nuxsatnomasiz qayta jihozlangan transport vositalarini boshqarishi	eng kam ish haqining bir baravari miqdorida	yoki transport vositasini boshqarish huquqidan olti oygacha muddatga mahrum etish	91 530 so'm

Ишонч телефонлари рўйхати


Ва яна порталда фуқаролар томонидан сўралган саволларга берилган жавобларни ўзида мужассам этган “Кўп бериладиган саволлар” бўлими ҳамда бўш иш ўринлари рўйхати ҳам жой олган.

15 ноябрдан бошлаб портал яратувчилари томонидан, “Тошшаҳартрансхизмат” АК билан ҳамкорликда, фойдаланувчилар учун, турли хил тадбирлар учун автобусларни ижарага олиш бўйича аризаларни онлайн тарзда бериш имкониятини яратувчи янги хизмат жорий этилди.

Кечаги кундан бошлаб, Ягона порталда давлат органлари расмий сайтларининг рейтинги бериб бориладиган бўлди. Мазкур рейтинга кўра, фуқаролар қайси давлат органининг сайтига кўпчилик ташриф буюраётгани ҳақида маълумот олишлари мумкин.

3.ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Порталдан тўлақонли фойдаланиш ҳамда давлат органларига мурожаат қилиш учун энг аввало сиз ID.uz – Ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтган бўлишингиз зарур. Ягона порталга кираётганда айнан ўша ID профилингиз маълумотларини киритасиз.



Шундан сўнг, Сизга фойдаланувчи кабинети очилади. У ерда Профил, Юридик шахс, Менинг аризаларим, Менинг қораламаларим, Менинг маълумотларим каби бўлимлар мавжуд.

Фойдаланувчининг шахсий кабинети

Профилда Сизнинг шахсий маълумотларингиз жойлашган бўлади ва уни тегишлича таҳрирлаш имкониятига эгасиз.

Менинг аризаларим бўлимида Сиз юборган аризалар рўйхати, уларнинг ҳолати ва уларга берилган жавоб хатлари билан танишишингиз мумкин.

Profil

Yuridik shaxs

Mening arizalarim

Mening qoralamalarim

Mening ma'lumotlarim

Profil

Public ID	580
ID.UZ logini	xushnud.id.uz
F.I.Sh.	Худайбердиев Хушнуд Файратович
Elektron pochta	xushnud_x@mail.ru
Telefon raqami	
Jins	Erkak
Tug'ilgan sana	1989-06-07
Pasport seriyasi/raqami	
Kim tomondan berilgan	
Pasport berilgan vaqt	
Yashash joyi	
Amal qilish muddati	
Ro'yxatga olingan vaqt	2013-09-24 06:28:45
So'nggi kirish	2013-11-12 12:02:33

Tahrirlash

МУРОЖААТ ЮБОРИШ

my.gov.uz/uz/request/index

Республика

Ўзбекистон

Foydalanuvchi kabineți

Chiqish

Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali

izlash

Xizmatlar bo'yicha

Tashkilotlar bo'yicha

Davlat tashkilotiga murojaat yuborish

Aloqa markazi: (8 800) 200-18-18

Portal ma'muriyatiga shikoyat yuborish

Profil

Yuridik shaxs

Mening arizalarim

Mening qoralamalarim

Mening ma'lumotlarim


Mening arizalarim

Xizmat	Tashkilot	Taqdim etilgan vaqt	Maqomi
1397 Fuqarolar murojaatlarini ko'rib chiqish	O'zbekiston Respublikasining Xususiy lashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi	2013-09-24 18:48:31	Ko'rib chiqilgan
1401 Fuqarolar murojaatlarini ko'rib chiqish	O'z kimyo sanoat	2013-09-24 19:35:18	Ko'rib chiqilgan
2193 Ommaviy axborot vositalarini davlat ro'yxatidan o'tkazish - web-sayt	O'zbekiston matbuot va axborot agentligi	2013-10-21 17:47:18	Yangi
3339 Fuqarolar murojaatlarini ko'rib chiqish	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi	2013-11-14 22:32:38	Qayta ishlash jarayonida

Ягона порталнинг энг қулай томони бу давлат органларига бевосита электрон мурожаат қила олиш имконияти борлигидир. Бу фуқароларга анча қулайликлар яратади. Агар илгари ёзилган мурожаатни чоп этиб, конвертга солиб, почтадан юбориб ёки бевосита фуқаронинг ўзи ўша мурожаат хатини

давлат органи биносига олиб бориб бериб, ортиқча ҳаражат ва ҳаракат, асосийси қимматли вақтни йўқотган бўлса, эндиликда уйда ўтирган ҳолда ҳам, кўчага бир қадам чиқмасдан тегишлича шикоят қилиш, ариза ёки таклиф бериши мумкин.

Аввало юқорида таъкидланганидек, Ягона портал тизимига кирасиз. Сўнгра порталнинг юқори ўнг бурчагида турган “Davlat tashkilotiga murojaat qilish” тугмасини босасиз. Сизга 5 қадамдан иборат қуйидаги ойна очилади:



Мурожаат юбориш | 1-қадам

1-қадам. Сиз мурожаат қилаётган шахс турини танлайсиз: Жисмоний ёки юридик.

2-қадам. Сўнгра Сиздан шахсингизни тасдиқлаш сўралади. Агарда Сиз “Фойдаланувчи кабинети”даги “Профил” бўлимида ўзингизга тегишли маълумотларни киритган бўлсангиз, унда 2-қадамда автоматик равишда ўша маълумотлар пайдо бўлади, қайтадан “Америка очишингиз” шарт бўлмайди.

Мурожаат юбориш | 2-қадам

3-қадам. Мурожаат қилмоқчи бўлган ташкилотни танлайсиз.

Русский | O'zbekcha

Foydalanuvchi kabinet Chiqish

Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali beta

izlash

Xizmatlar bo'yicha Tashkilotlar bo'yicha

Davlat tashkilotiga murojaat yuborish

Aloqa markazi: (8 800) 200-18-18

Fuqarolar murojaatlarini ko'rib chiqish Xizmat pasporti

1-qadam Tumi tanlash 2-qadam **Shaxsni tasdiqlash** 3-qadam Tashkilotni tanlash 4-qadam Formani to'ldirish 5-qadam Tamom

* belgisi bilan ajratilgan maydonlar to'ldirilishi shart.

F.I.Sh. *
Худайбердиев Хушнуд Ғайратович

Elektron pochta *
xushnud_x@mail.ru

Telefon raqami *

Мурожаат юбориш | 3-қадам

Fuqarolar murojaatlarini ko'rib chiqish Xizmat pasporti

1-qadam Tumi tanlash 2-qadam Shaxsni tasdiqlash 3-qadam **Tashkilotni tanlash** 4-qadam Formani to'ldirish 5-qadam Tamom

* belgisi bilan ajratilgan maydonlar to'ldirilishi shart.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi	▼
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi	▼
Vazirliklar	▼
Davlat qo'mitalari	▼
Davlat inspeksiyalari	▼
Agentliklar	▼

Avvalgi qadam Keyingi qadam

4-қадам. Мазкур қадам энг асосий босқич ҳисобланиб, бу ерда қуйидаги маълумотларни тўлдиришингиз зарур бўлади:

Мурожаат соҳаси – нима масалада эканлиги;

Мурожаат тури – ариза, шикоят ёки таклиф;

Жавоб олиш йўли – Сизга қандай жавоб қайтаришсин: электрон почта ёки почта орқали хат билан;

Мурожаатнинг кўриниши – шахсий, оммавий;

Мурожаат мавзуси – нима мавзуда мурожаат қилаётганлигингиз қисқача;

Мурожаат матни – мурожаатингизни батафсил тушунтирасиз;

Файлни илова қилиш – агар мурожаатингизга бирон файл (ҳужжатнинг сканер варианты, фото ёки видеоматериал ва ҳ.к.) илова қилмоқчи бўлсангиз, уни қўшишингиз мумкин.

Агарда барчасини тўғри бажарганингизга ишончингиз комил бўлса, унда сизда учта вариант бўлади: Имзо чекиш, юбориш ва қораламани сақлаш.

Имзо чекиш – бу ерда ЭРИ модули, яъни электрон рақамли имзо орқали тасдиқлашингиз мумкин.

Юбориш – тушунарлидир.

Қораламани сақлаш – агарда ёзган мурожаатингизни ҳали юбориш учун етарли деб ҳисобламасангиз, унда ушбу тугма орқали уни сақлаб қўйишингиз ва кейинчалик яна таҳрир қилиб, юборишингиз мумкин.

Мурожаат юбориш | 4-қадам

Fuqarolar murojaatlarini ko'rib chiqish Xizmat pasporti

1-qadam Turni tanlash 2-qadam Shaxsni tasdiqlash 3-qadam Tashkilotni tanlash 4-qadam **Formani to'ldirish** 5-qadam Tamom

* belgisi bilan ajratilgan maydonlar to'ldirilishi shart.

Murojaat sohasi *
Davlat va xo'jalik idoralari ismi

Murojaat turi *
Ariza

Javob olish yuli *
Elektron pochta orqali

Murojaatning ko'rinishi *
Shaxsiy

Murojaat mavzusi *

Murojaat matni *

Faylni ilova qilish
Обзор... Файл не выбран.

Avvalgi qadam Imzo chekish Yuborish Qoralamani saqlash

5-қадам. Мазкур қадам “Тамом” деб номланиб, мурожаатни юбориш ёки қораламага сақлаш тамомланганлигини билдиради. Амалий олиб қараганда бу қадам ҳеч нарсани англатмайди, шунчаки маълумот беради холос.

МУРОЖААТГА ЖАВОБЛАР

Сизнинг мурожаатингизга жавоб келганини қандай биласиз?



Энг аввало фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун SMS хизмат жорий этилган. Яъни шахсий маълумотларингизга киритган телефон рақамига учта ҳолатда SMS-билдиришномалар келади. Булар:

1. Мурожаат юборилганда.
2. Мурожаат кўриб чиқиш учун қабул қилинганда.
3. Мурожаатга жавоб берилганда.

Шунингдек, мурожаат ҳолатини “Менинг аризаларим” саҳифасидан кўришингиз мумкин. Агарда мурожаатга жавоб берилган бўлса, унда ўша мурожаат саҳифасига кириб, энг пастига тушсангиз “Natija” деган жойдан жавоб хатини олишингиз мумкин бўлади.

Javob olish yuli	Elektron pochta orqali
Bahoga izoh berish	

Natija

Мурожаатингизга жавоб хати

[22-1397га 04-20-1022 27.09.2013 Фукаро Худайбердиев Х.Г.pdf](#)

5 ball – to'liq qoniqdim (davlat organidan javob olingan, murojaat to'liq va har tomonlama, o'rnatilgan muddatlarda va sifatli ko'rib chiqilgan, bundan tashqari masala bo'yicha qo'shimcha ma'lumotlar va tavsiyalar berilgan; murojaat bo'yicha rad javobi olingan, ammo unda rad etish sabablari batafsil keltirilgan va murojaat qaysi vakolatli tashkilotga hamda qachon yuborilganligi ko'rsatilgan)

4.Порталдаги МУАММОЛАР ва КАМЧИЛИКЛАР

Ягона портал муаммолари ҳақида сўз очадиган бўлсак, энг аввало имловий хатолар ва ўзбек тили билан боғлиқ муаммоларни айтиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Сабаби Ягона Портал давлат томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматларнинг расмий макони. Қанақадир форум эмас, оддий бир саҳифа эмас. Ҳукумат даражасидаги лойиҳа. Мана шу жойда давлат тилида имловий хатоларнинг бўлиши ачинарли ҳолат. Хўп, энди аниқ мисолларга ўтаман:

1. Порталдаги “ў” ҳарфининг лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувидаги вариантыни ёппасига тўғрилаб чиқиш керак. Биламизки, “ў” ҳарфи ёзилганда о‘ шаклида ёзилади, о’ эмас. Сабаби, биз кўпинча қўллайдиган – ’ – белгиси, аслида тутуқ белгисини билдиради. Бу борада Порталда кўплаб хатоларни учратиш мумкин.

2. Мурожаат юборишнинг 2-қадамидаги паспорт серияси ва рақами сўралган майдонча остида қуйидагича изоҳ бор:

Ma’limotlar AA0000000 formatida kiritilishi lozim

Шу ерда “маълИмот” эмас, “маълУмот” бўлиши керак.

3. Мурожаат юборишнинг 4-қадамидаги жавоб олиш йўли деган қисмида ҳам имловий хатолик мавжуд. “Javob olish yUli” эмас, “Javob olish yo‘li” бўлиши керак.

* belgisi bilan ajratilgan maydonlar to'ldirilishi shart.

Murojaat sohasi *

Davlat va xo'jalik idoralari ish

Murojaat turi *

Ariza

Javob olish yuli *

Elektron pochta orqali

Murojaatning ko'rinishi *

Shaxsiy

4. Мурожаатга юборилган жавоб хати юклаб олинадиган бўлимда куйидагича ёзув бор:

“Мурожаатингизга жавоб хати”

Мана шуни кирилл алифбосидан лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига

Javob olish yuli	Elektron pochta orqali
Bahoga izoh berish	
Natija	
Мурожаатингизга жавоб хати 22-1397га 04-20-1022 27.09.2013 Фукаро Худайбердиев Х.Г.pdf	
Baholash	

ўгириш керак.

5. Худди шундай ўгиришни “Mehnat faoliyatini tasdiqlash to'g'risidagi arxiv ma'lumotnomalarini berish” хизматида ҳам қилиш лозим. Мазкур хизматнинг 4-қадамида ёзувлар ярми кириллча, ярми лотинча турибди.

1-qadam Turini tanlash	2-qadam Shaxsni tasdiqlash	3-qadam Tashkilotni tanlash	4-qadam Formani to'ldirish	5-qadam Tamom
---------------------------	-------------------------------	--------------------------------	---------------------------------------	------------------

* belgisi bilan ajratilgan maydonlar to'ldirilishi shart.

Arizachining ishlagan joyi nomi, lavozimi, bo'limi *

Юқори ташкилотни номи *

Идоранинг қайта номланганлиги тўғрисида маълумот *

Idoraning manzili (viloyat, shahar, tuman) *

6. Шунингдек, бир қанча саҳифаларда рус тилидаги ёзувларни ўзбек тилига таржима қилиш керак. Масалан, мурожаат юборишнинг 4-қадамида “Faylni ilova qilish” қисмидаги сўзларни русчадан ўзбекчага таржима қилиш керак. Хусусан:

Обзор => Tanlash

Файл не выбран => Hozircha fayl tanlanmagan

Албатта, бошқача маъқулроқ вариантда ҳам таржима қилиш мумкин, асосийси русча турмаса бўлди.


11. Ягона порталнинг энг сўнги қисмида берилган менюлар орасида “Конкурс” деган меню турибди. Шуни “Tanlov”га ўзгартириш керак. Гап шундаки, Ягона порталнинг Бош саҳифасида “Tanlov” турибди, тўғри. Лекин “Foydalanuvchi kabinet”га кирсангиз яна “Конкурс”га айланиб қолади.



12. Яқинда ишга тушган “Tashkilot saytlari reytingi” саҳифасидаги барча “akTsiyadorlik” сўзини “aksiyadorlik”га ўзгартириб чиқиш керак.

13. Фуқарога мурожаатнинг юборилганлиги ҳақида жўнатиладиган SMS-билдиришномада ҳам имловий хатолик мавжуд.

“tahkilotiga” деган сўзни “tashkilotiga” деб ўзгартириш керак.



14. Ва охирида яна бир хатолик ҳақида гапириб ўтмасам бўлмайди. Ягона порталнинг “Portal to`g`risida” деб номланган саҳифасида лойиҳа ҳақида маълумотлар берилган. Лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, хизматдан фойдаланиш шартлари ва ҳ.к. Ўша саҳифанинг энг охирида Порталга оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати келтирилган бўлиб, унда Вазирлар Маҳкамасининг айнан ушбу Портални ташкил этиш ҳақидаги энг муҳим Қарорининг санаси нотўғри кўрсатилган. “2012 йил 12 декабрдаги” деб изоҳ берилган Қарор аслида 30 декабрь куни имзоланган.

Yagona portalni qo'llab-quvvatlash:

Axborot hamrohi va tuzilmaiy ma'muriyatchilik – Kompyuter va axborot texnologiyalarini rivojlantirish va jony etish Markazi – UZINFOCOM

Me'yoriy hujjatlar bazasi:

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012 yil 12 dekabrda "Interaktiv davlat xizmatlari ko'rsatishni hisobga olgan holda Internet tarmog'ida O'zbekiston Respublikasining Hukumat portalini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 378-son qarori

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2007 yil 17 dekabrda "Internet tarmog'ida O'zbekiston Respublikasining Hukumat portalini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 259-son qarori

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2007 yil 23 avgustda "Davlat va xo'jalik boshqarivi, mahalliy davlat hokimiyati organlarining axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda yundik va jismoniy shaxslar bilan o'zaro hamkorligini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 181-son qarori

Ягона порталдаги Қарор санаси

6. Белгилансинки, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўзимияти органлари раҳбарлари ва масъул ишрочилари интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш, шунингдек уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.
7. Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритилсин.
8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ияро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 30 декабрь,
378-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги
378-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва ҳўжалик

Lex.Uz – Миллий қонунчилик базасидаги Қарор санаси

ТАКЛИФЛАР

1. Энг аввало Ягона портал ташкилий гуруҳига ўзбек тилини, айниқса латин алифбосига асосланган ўзбек ёзуви имлосини яхши биладиган мутахассис ишга олинишини таклиф қиламан ёки агарда шундай ходим бўлса, унда салгина масъулият билан ишлашини илтимос қиламан. Чунки нафақат Ягона портал контентида, балки унга жойланаётган хабарлар, маълумотларда ҳам кўплаб имловий хатолар учрамоқда. Масалан, мана бу янгилик: *Yagona portalga sohaning quyi tashlotlarini ulash boshlandi*

Хабар сарлавҳасидан бошлаб, имловий хатоларни топиб олаверинг, ўзингиз.

Меҳмон, хуш келибсиз! [Ўзбекча](#) | [O'zbekcha](#) | [Русский](#) | [Сайт яратиш](#) | [Ёрдам](#) | [Авторизация](#) | [Рўйхатдан ўтиш](#) | [Паролни унутдингизми?](#)

ZiyoNet
Axborot Ta'lim tarmog'i

[Таълим](#) | [Абитуриент](#) | [Ўйинлар](#) | [Имкониятлар](#)
[Кутубхона](#) | [Сайтлар](#) | [Арбоблар](#) | [Тадбирлар](#)
[Муассасалар](#) | [Чет тиллари](#)

[Лойиҳаларнинг](#)
[Видео](#) | [Блоглар](#) | [Форум](#)
[Танлов ва грантлар](#)

[Қўлириув](#)
[Ўзбекистоннинг кутубхоналаридан](#)
[қўлириув](#)
[Тарғибот материаллари](#)

Таълим

Республикамызда ялпи ички маҳсулот давлат ривожланишининг асосий там бўлими порталимизнинг асосий бўлими

Бўлимда келтирилган маълумотлар ў талабалар ва уларнинг ота-оналари уч

Ушбу бўлимда Республикамызининг таъ таълим босқичининг мактабгача таъл статистика маълумотлар ва қонунчили

Бу каби маълумотларни тақдим этиш олиш, мавжуд бўлган нормалар ва ҳуқуқий базалар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Шу билан бирга ушбу бўлимда таълимни бошқариш органлари, [Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги](#) ва [Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирликлрининг](#) ташкилий тизимлари билан ҳам танишиш мумкин.

Хато ҳақида хабар бериш
Ичида хатоси бор матн:
" колледж "


Илтимос, изоҳлангиз:

Умумий маълумот
Мактабгача таълим
Умумий ўрта таълим
Ўрта махсус касб-ҳунар таълими
Олий таълим
ОУЮдан кейинги таълим
Мактабдан ташқари таълим

2. Олдинги таклифнинг давоми сифатида. Ягона порталда фойдаланувчи томонидан аниқланган хатоликларни маъмуриятга Ctrl+Enter тугмалари орқали хабар беришнинг осонлаштирилган хизматини жорий этиш керак. Масалан, худди шундай хизмат “ZiyoNet” порталида мавжуд. Шунда анча муаммоларнинг олди олинган бўлар эди.

3. Ягона порталда онлайн маслаҳат бериш хизматини жорий этиш керак. Мен ушбу мақолани ёзиш чоғида, бошқа давлатлардаги Электрон ҳукуматлар билан танишиб чиқдим ва айтишим мумкинки, Қозоғистон Республикаси Электрон ҳукумат порталида айнан онлайн маълумот бериш хизмати мавжуд экан. Унга кўра Сиз “Онлайн консультант” хизматига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хизматнинг қай даражада ишлашини синаб кўриш мақсадида, ўзим ана шундай мурожаатни амалга ошириб кўрдим. Дастлаб менга автожавоб келди, яъни “Сизнинг мурожаатингизни қадрлаймиз, биров кутиб туринг” деган мазмунда. 1 дақиқадан сўнг, “Узр, бизда ҳамма операторлар банд эди, яна озгина кутинг ёки кейинроқ мурожаат қилинг” деган хабар келди. Кутдим. Орадан 2 дақиқа ўтар-ўтмас, Мадина исмли онлайн консультант мен билан алоқага чиқди.



Egov.kz порталидаги онлайн консультант хизмати


4. Ягона портал хизматлари рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг сенаторларига мурожаат қилиш имкониятини кўшиш керак. Бу хизматда фақатгина, Олий Мажлис Сенатига эмас, балки агарда фуқаро хоҳласа ҳудудлар бўйича аниқ бир муайян сенаторга мурожаат қила олиш имконини бериш керак. Ушбу хизматда ҳудудлар бўйича 100 нафар сенаторлар рўйхати мурожаат қилиш субъектларига киритиб чиқилади. Таклифга қўшимча сифатида айтишим мумкинки, қилинган мурожаат ҳақида

ўша сенаторга SMS-билдиришнома борадиган қилиш ҳам мумкин. Бу янада иш сифатини оширишга хизмат қилади.

5. Биламизки, Ягона портал орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мурожаат қилиш мумкин. Худди шу жойга юқоридаги сенаторлар билан боғлиқ таклифни ҳам илгари сураман. Яъни ҳудудлардаги сайлов округлари орқали сайланган муайян бир аниқ депутатга мурожаат қилиш имкониятини яратиш керак. Масалан, Сурхондарёнинг Узун туманида истиқомат қилувчи фуқаро бирон масала юзасидан Узун туманидаги сайлов округидан сайланган депутатга мурожаат қилиши мумкин бўлсин. Бу мурожаатлар унумдорлигини янада оширади деб ўйлайман. Худди шунга ўхшаш хизмат Қонунчилик палатасининг расмий сайтида (parliament.gov.uz) йўлга қўйилган, фақат бироз бошқача кўринишда.

6. Ягона портал орқали онлайн хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаган ҳамда ўша хизматдан фойдаланиш учун албатта давлат органларига бевосита бориш шарт бўлган ҳолатлар учун онлайн навбат олиш имкониятини яратиш керак. Масалан, бирон маълумотноманинг қоғоздаги асл нусхасини олиш учун (айтайлик қарздорлиги йўқлиги ҳақида) солиқ органларига бориш керак бўлди. Ягона портал орқали Сиз қайси куни, қайси вақтда боришингизни кўрсатиб, тегишли тартибда рўйхатдан ўтган ҳолда навбат олишингиз ва ўша вақтда олдиндан кўрсатилган инспекторга мурожаат қилиб, юмушингизни ўз вақтида, ортиқча қийинчиликларсиз битиришингиз мумкин бўлсин. Бу фуқаролар учун қўшимча қулайликлар беради ҳамда иш вақтини тўғри тақсимлаш учун шароит яратади. Худди шундай онлайн навбатларни кўплаб давлат органларига, масалан, Ички ишлар вазирлигининг паспорт ёки хорижга чиқиш, келиш бўлимларига, нотариус идораларига, электр, газ масалалари билан шуғулланувчи идораларга ва яна бошқа кўплаб давлат ташкилотларига қўллаш мумкин.

7. Фойдаланувчилар Ягона портал ҳақида ўз мулоҳазаларини қолдириш жараёнини янада такомиллаштириш ва осонлаштириш керак. Шунингдек, ўзгалар томонидан қолдирилган мулоҳазаларга изоҳ бериш функциясини қўшиш керак. Бу борада яна ўша Қозғистондаги Ҳукумат портали тажрибасини мисол келтиришим мумкин. Уларда бу хизмат анча яхши қўйилган экан.



Egov.kz порталидаги фойдаланувчилар фикрлари

8. Порталнинг 4 ойлик фаолияти таҳлил қилиниб, унда фойдаланувчилар мурожаатларга берилган жавобларга баҳо беришмаётгани эслаб ўтилган. Сабаби фойдаланувчиларнинг кўпчилиги баҳо бериш кераклигини ва ҳаттоки қаердан баҳо берилишини ҳам билишмайди. Дастурчилар шу муаммони ечиш ҳақида бош қотиришса ёмон бўлмасди. Масалан, фойдаланувчи кабинетига кирганда, билдиришнома катта экранга чиқсин: “Сизнинг мурожаатингизга жавоб беришди, агар жавоб Сизни қониқтирган бўлса, баҳо бериш” деган. Худди шундай функция “Beeline” онлайн кўллаб-қувватлаш чатида мавжуд. Чиқиб кетаётганингизда Сиздан баҳо қўйишни сўрайдиган алоҳида катта ойна очилади. “Beeline” онлайн кўллаб-қувватлаш чатидаги баҳо бериш функцияси

ХУЛОСА

Яхшилаб разм солсам, Ягона портал ҳақида роса кўп гапирибман ўзиям. Нега? Сабаби менга мазкур портал фаолияти роса манзур тушган. Анчадан буён шу ҳақида орзу қилиб юрар эдим. Мана аста-секин, тўлиқ ҳажмда бўлмаса ҳам, ўша орзуларим ушалмоқда. Хонадан чиқмаган ҳолда, интернет орқали турли масалаларда давлат органларига мурожаат қилиш, ишонинг, бу жоннинг роҳати!

Мана шунақа жоннинг роҳатидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиш зарур. Ягона портал орқали илк мурожаатим Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига эди. Мурожаатим мазмуни реклама соҳасида йўл

қўйилаётган қонунбузарликлар ҳақида бўлган. Қўмитадан тегишли тартибда жавоб хатини олдим. Ушбу мурожаат ҳақида, қуйидаги манзилдан батафсил ўқишингиз мумкин.

Шунингдек, Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига ҳамда яна бир имловий хатоликни тўғрилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига мурожаатлар юбордим. Ҳар иккала мурожаатга ҳам тегишли тартибда жавоблар олдим.

Барча жавоблар расмий мақомда, тегишли мансабдор шахс томонидан имзоланган ва рўйхатдан ўтказилган. Бундан ташқари, биронта мурожаатга кечикиб жавоб бериш ҳолатлари кузатилмади. Ҳозирча кўнглим тўқ.

Ҳали Ягона портал орқали шахсий ёки жамият манфаатларини кўзлаб, турли масалаларда кўплаб мурожаатлар қилиш ниятим бор. Имконият, шароит нима учун яратилади, агар биз ундан унумли фойдаланмасак? Фойдаланиш керак! Шунақа фойдаланиш керакки, давлат органлари электрон мурожаатларга жавоб ёзавериб, айтилган муаммоларни бартараф қилавериб, берилган таклифларни ҳаётга тадбиқ этавериб чарчаб кетишсин! Майли, шунақа бўлсин! Асосийси ёки биз фуқароларга, ёки жамиятимизга шу мурожаатлардан кичкина бўлса-да фойда бўлсин, шуни ўзи катта гап!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» Қонуни, «Халқ сўзи», 2004 й., 11-феврал.
2. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент – 2004
3. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Халқ сўзи», 2002 й., 6-июнь.
4. Р. Х. Алимов, Б.Ю.Ходиев, К.Алимов ва бошқалар “Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари”. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2004
5. Нишонбоев Т.Н. Windows, Word ва Internet тизимларида ишлаш. Ўқув қўлланма. Т.:Академия, 2000 – 111 б
6. Аюпов Р.Х. Интернет тизимида ишлаш. - Т.:, 2006. -237 бет.
7. Аюпов Р.Х., Азизова М. И. Гиперматнларни белгилаш HTML дастурий тили.

- Т.:, 2009. -292 бет.

8. Зокирова Т., Ибрагимов Э. Веб-технологиялар. Тошкент, ТДИУ, 2007 йил.
9. Зокирова Т., Мусаева Н. Интернет технологиялар. Тошкент, ТДИУ, 2007 йил.
– 182 бет.
- 10.Аюпов Р.Х., Илхомова Е. Компьютер тармоклари ва интернет тизими. Т.,
ТМИ, 2002 йил
- 11.Му.gov.uz – Ягона интерактив хизмати портали